



20 20у « 16 » ноябр

№ Қ-1771

«    »    20    г

+ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон Фармони ҳамда шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2020 йил 6 ноябрдаги Қ-617-сонли қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида**

Жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиғи, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатмоқда.

COVID-19 коронавирус инфекцияси аввало юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн) касаллигига чалинган фуқароларимизнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, бугунги пандемия орамиздан кўплаб фуқароларимизни бевакт дунёдан кўз юмишига сабаб бўлди.

Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилмасликни, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида,

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон Фармони (кейинги ўринларда — Фармон деб аталади) ҳамда шу ҳақдаги вилоят

хокимининг 2020 йил 6 ноябрдаги Қ-617-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

## 2. Мазкур Фармон билан:

### а) қуйидагилар:

ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш;

оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш;

аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартириш, зарарли одатлардан, хусусан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдидан овқатланиш одатларидан воз кечиш;

санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун замонавий моддий-техника базасини шакллантириш Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги;

б) Республика бўйича юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, “Workout” спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104 миллиард сўмдан; жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 10 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг аҳолини кунлик юриш

ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи” ([www.lhls.uz](http://www.lhls.uz)) платформасини яратиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги;

бунда:

Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ кадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан; ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 миллион сўм қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилиши таъкидланганлиги;

г) “Соғлом турмуш тарзи” платформасини ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юклатилиши;

“Соғлом турмуш тарзи” платформаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан IT-парк дирекцияси резидентлари билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилиши ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туманда аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда - юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, “Workout” (махалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгилансин.

4. Туман ҳокими ўринбосари С.Исаев, туман Қурилиш бўлими (Ф.Мустанов) билан биргаликда 2020 йил 15 ноябрга қадар туман марказида пиёда ва велосипедда юриш учун “Саломатлик йўлаклари”ни ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирсин, 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ишларини бошласин ва 2021 йил 1 майга қадар тугатсин.

Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин: пиёдалар ва велосипед йўлақларининг умумий узунлиги 3-5 километрни ташкил этиши ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлиши;

замонавий, энерготежамкор (ҳаракат сенсорлари билан жиҳозланган) ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи, йўлақларнинг бошланиши, оралиғи ва якунини кўрсатувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминланиши;

пиёдалар ва велосипед йўлақларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланиш имкониятлари яратилиши ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун “тўсиқсиз муҳит” ташкил этилиши.

Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими туман Молия бўлими билан биргаликда 2021 йил учун инвестиция дастури доирасида марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан марказий кўчаларни модернизация қилиш учун маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Туман Қурилиш бўлими (Ф.Мустанов) 2021 йил 1 январга қадар туманда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жойларни қуриш бўйича тасдиқланган амалдаги шаҳарсозлик нормаларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритсин:

аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед турар жойлари ва замонавий спорт (шу жумладан, Workout) майдончаларини ташкил этиш; маҳаллалар, кишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”ни қуриш;

автомобиль ҳаракати юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этиш.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари - туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Хидирова), туман Тиббиёт бирлашмаси (Б.Мамасоатов), туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов):

хар чоракда туманда “Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танлови ташкил этилсин;

танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилгандан сўнг танловни ўтказишда маҳалла аҳолиси доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичлари назарда тутилсин;

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан танловда биринчи ўринни эгаллаган маҳалла 10 миллион сўм, иккинчи ўринни олган маҳалла 5 миллион сўм ва учинчи ўринга эга бўлган маҳалла 3 миллион сўм миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилиши таъминлансин;

пул мукофоти маблағлари маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисобрақамига ўтказилиши ҳамда маҳаллада спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадларига истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

8. Туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари С.Исаев, Н.Алланазаров, туман Халқ таълими бўлими (Н.Исमतов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов) :

2021 йил 10 апрелга қадар 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумтаълим мактабларини спорт заллари билан тўлиқ таъминлаш, туманда моддий-техника базасига эга бўлган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича таклифларини ишлаб чиқсин ва вилоят ҳокимлигига киритсин.

Бунда, келгуси йилларда умумтаълим мактаблари спорт заллари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва спорт таълим муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш параметрларини сезиларли ошириб борсин.

9. Туман ҳудудида фаолият юритаётган корхона ва ташкилот раҳбарларига: давлат органлари ва ташкилотларининг касаба уюшмалари ва иш берувчилари ўртасидаги жамоа шартномаларида иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари, технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси

машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар белгилансин;

2021 йил 1 январдан барча давлат органлари ва ташкилотларида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгилаш йўлга қўйилсин;

иш вақтидан сўнг танланган кунларда (хафтада камида бир марта) раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулоти (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланиши таъминлансин;

хар шанба соат 14:00 дан кейин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ташкил этилсин.

Бунда, мусобақалар байрамона руҳда, “шоу” кўринишида ўтказилишига, голиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратишни (тренажёр зали, “Workout” майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари, спорт машғулоти ва мусобақалари) молиялаштириш давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин;

биринчи раҳбарлар “Шахсий намуна” тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш) яхшилаш орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичлари яхшиланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин;

веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета, интернет тармоғи) орқали бу борада амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг аҳамияти мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминласин.

10. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров), туман Тиббиёт бирлашмаси (Б.Мамасоатов), туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов) биргаликда 2021 йил 1 июлдан бошлаб туман ҳокимлиги, тумандаги корхона, ташкилотларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш бўйича тегишли чораларни амалга ошириб борсин ҳамда баҳолаш мезонларига асосан рейтинг асосида таҳлил қилиб, натижаларни онлайн кузатиб борсин.

11. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров), тумандаги корхона ва ташкилотларига рейтинг кўрсаткичлари асосида:

рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш;  
рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган давлат органлари раҳбарларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

12. Туман Халқ таълими бўлими (Н.Исмаев), тумандаги касб-хунар мактаблари (Ф.Бурхониддинов, А.Сафаров), туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов) билан биргаликда:

икки ой муддатда умумтаълим, профессионал таълим муассасаларида дарслар оралиғида (катта танаффус вақтида) “Спорт дақиқаси” жисмоний машқлари, дарслар бошланишидан олдин 2 дақиқа нафас олиш машқларини ўтказишни амалиётга жорий этсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар, талабаларнинг ёш тоифасига қараб уларнинг жисмоний кўрсаткичларини (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, “Кундалик” рейтинг дафтарига алоҳида саҳифада киритсин ҳамда ҳар чорак таҳлиллари ва натижалари акс эттирилишини таъминласин.

13. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров), туман Халқ таълими бўлими (Н.Исмаев), туман Молия бўлими (Ш.Поянов) умумтаълим мактабларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумий ўқув соатлари доирасида жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада 2 соатдан ўқитишни ташкил этсин.

14. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Б.Искандаров), Сувоқава ДУК туман филиали (И.Хурсанов) 2025 йилга қадар ҳудудий ва тегишли тармок дастурлари доирасида таълим муассасаларини, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрсин.

15. 2021 йилдан бошлаб “Соғлом турмуш тарзи” платформасида рўйхатдан ўтган ва ундан фойдаланган жисмоний шахслар сонига ҳамда уларнинг спорт натижаларига қараб корхона ва идоралар, туман ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳар чорак якуни бўйича рейтинги тузилиши ва улар фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан баҳо берилиши қайд этилсин.

16. Туман ҳокимлиги Матбуот котиби (Н.Жумаева), туман Мактабгача таълим бўлими (Х.Улуғова), туман Халқ таълими бўлими (Н.Исмаев), туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов) билан биргаликда:

а) мунтазам равишда:

ёшлар, хусусан, боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида “Болаликдан спортга”, “Тонгги гимнастика”, умумтаълим мактабларида “Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажар!”, “Қувноқ стартлар” синфлараро, “Катта ёшдагилар учун аэробика”, “Бошланғич йога машғулоти”, “Ортиқча вазндан воз кеч!” каби спорт машғулотларини ҳамда оилалар ўртасида ўтказиладиган “Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи!” спорт мусобақаларини оммавий ахборот воситаларида намойиш этиш;

аёллар ва кексалар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича “Соғлом турмуш тарзи” рункларини намоиш этиш;

б) мазкур қарорнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида газеталарда, ижтимоий тармоқларда ҳамда блогерлар иштирокида танқидий муҳокамалар ташкил қилиш ва ёритиш тавсия этилсин.

17. Тумандаги давлат органлари ва ташкилотлари:

ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафталик мусобақаларни ўтказиш календарь режасини тасдиқласин;

йиллик харажатлар сметасини шакллантиришда мазкур мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

18. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров), туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Курбонов), икки ой муддатда аҳоли орасида сўров ўтказиш орқали ҳудудлардаги йирик спорт иншоотларига улар жойлашган ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон тарихи ва спортида ном қолдирган тарихий шахсларнинг номлари берилишини ташкил этсин.

19. Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

20. Туман ҳокимининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ва тармоқлар бўйича ўринбосарлари (М.Қултаев, С.Исаев, Н.Алланазаров, З.Хидирова) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг  
2020 йил 16 ноябрдаги  
Б-177/1-сонли қарорига  
1-илова

## Туманда соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича ЙЎЛ ХАРИТАСИ

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Аҳолининг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратини</b>					
1.	Пиёдалар ва велосипед йўлақларини ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш.	<p>1. Туман ҳокимлиги томонидан пиёдалар ва велосипед йўлақларини ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш.</p> <p>2. Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: пиёдалар ва велосипед йўлақларининг умумий узунлиги 3-5 километрни ташкил этиши ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлиши; замонавий, энергия тежамкор (ҳаракат сенсорлари билан жиҳозланган) ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи, йўлақларнинг бошланиши, оралиги ва якунини кўрсатувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминланиши;</p> <p>пиёдалар ва велосипед йўлақларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланиш имкониятларини яратиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун “тўсиқсиз муҳит” ташкил этиш.</p> <p>3. Туманда аҳоли учун қулай бўлган марказий кўчаларни модернизация қилиш доирасида пиёдалар ва велосипед йўлақларини ташкил этиш.</p>	2021 йил 1 январь	Инвестиция дастури доирасида	Туман ҳокимлиги (С.Исаев), туман Курилиш бўлими (Ф.Мустанов)
			2021 йил 1 май		
3.	Таълим муассаса-ларида ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини юритишга тарғиб этиб	1. Умумтаълим, профессионал таълим муассасаларида дарслар оралигида (сатта танаффус вақтида) “Спорт дақиқаси”	2020 йил 1 декабрь	Ижрочилар маъбадалари	Халқ таълими бўлими (Ш.Исмаилов), тумандаги касб-хунар мактаблари



Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	бориш.	<p>жисмоний машқлари, дарслар бошланишидан олдин 2 дақиқа нафас олиш машқларини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>2. Ўқувчилар, талабаларнинг ёш тоифасига қараб, уларнинг жисмоний кўрсаткичлари (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш ва х.к.)ни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, “Кундалик” рейтинг дафтарига алоҳида саҳифа киритиш ҳамда ҳар чорак таҳлиллари ва натижалари акс эттирилишини таъминлаш.</p>	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб		(Ф.Бурхониддинов, А.Сафаров), Техникумлар (А.Гаппаров, И.Саматов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов), бўлим ва корхоналар
		<p>1. Юриш ва югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Wokout” турларини оммалаштириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш ҳамда паралимпия ҳаракатини ривожлан-тириш, “Соғлом аёл - булок келажак” гоясини ўзида мужассам этган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳаларини кўриб чиқиб, таклифлар киритиш.</p>	2021 йил 1 июнь		Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов)
4.	Юриш ва югуриш, мини-футбол, вело-спорт, бадминтон, стритбол ва “Wokout” турларини оммавий-лаштириш ва ривожлантириш	<p>2. Юриш ва югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Wokout” турларини оммавий-лаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104 млрд. сўмдан; жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний</p>	2021 йил давомида	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Туман Молия бўлими (Ш.Поянов)

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 10 млрд. сўмдан маблағлар ажратиш.</p>			
5.	<p>Давлат органлари ва ташкилотларида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириб бориш.</p>	<p>1. Давлат органлари ва ташкилот- ларида: меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига кўшимча 20 фоиз миқдорида устама белгилашни йўлга қўйиш;</p> <p>иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) барча Бўлимлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий давлат органларининг раҳбарлари ва барча ходимлари жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, сузиш, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стритбол, стол тенниси ва бошқалар) билан шуғулланишини таъминлаш;</p> <p>ҳар шанба куни соат 14:00 дан сўнг ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида югуриш, сузиш, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стритбол, стол тенниси ва бошқа спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ташкил этиш.</p> <p>Бунда, мусобақаларнинг байрамона руҳда, шоу кўрinishида ўтказилишига, ғолиб ва совриндорларнинг рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратиш.</p> <p>2. Давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаелар ҳисобидан маҳаллий жамоасининг</p>	<p>2021 йил 1 январдан бошлаб доимий</p>	<p>Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар</p>	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари</p>

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратиш (тренажер зали, “Wokout” майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари).</p> <p>3. Бўлимлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий давлат органларининг биринчи раҳбарлари “Шахсий намуна” тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш ва х.к.) яхшилаши орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;</p> <p>давлат органлари ва ташкилотлари-нинг веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлари, оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, газета, Интернет тармоғи) бу борада амалга оширилаётган ишларни, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилишни мунтазам равишда (хар куни) ёритиб боришни таъминлаш.</p>			
6.	<p>Худудларда хусусий тадбиркорлар томо-нидан барпо этилган спорт иншоотларидан самарали фойдалана-нишни ташкил этиш.</p>	<p>Худудларда хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотлари базасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ёки давлат спорт муассасалари фаолият турини ўзгартирмаслик шартли билан уларни хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чикиб, туман ҳокимлигига киритиш. курилишига рухсат берилишини назарда тутиш.</p>	2021 йил 1 июндан		<p>Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Курбонов), Молия бўлими (Ш.Поянов), манфаатдор корхона ва ташкилотлар</p>

II. Оммавий спортни ривожлантириш бўйича аҳоли орасида, хусусан, ёшлар, аёллар, кексалар ўртасида спорт мусобақаларни ва танловларини ташкил этиш

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
7.	Ходимлар ўртасида мусобақаларнинг тизимли ўтказилишини ташкил этиш.	1. Кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафтalik мусобақаларни ўтказиш календарь режасини тасдиқлаш. 2. Йиллик харажатлар сметасини шакллантиришда мазкур мақсадлар учун маблағ ажратилишини назарда тутиш.	Ҳар йили 1 декабрь	Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Туман ҳокимлиги
8.	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида оммавий спорт турлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.	Давлат органлари ва ташкилотларнинг қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларида: иш кунини давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари; технология, ишлаб чиқариш ва иш шaroитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танафусларни белгилаш.	2021 йил 1 январдан бошлаб		Давлат органлари ва ташкилотлари
9.	Ёшлар орасида спортни оммалаш-тириш, мактабларда жисмоний тарбия соатларини ошириб бориш.	Умумтаълим мактабларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумий ўқув соатлари доирасида жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада 2 соатдан ўқитишни ташкил этиш.	2021 йил сентябрь	Республика бюджетини маблағлари	Халқ таълими бўлими (Н.Исматов), Молия бўлими (Ш.Поянов), манфаатдор корхона ва идоралар
10.	Тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида спорт йўналишида танловлар ташкил этиш.	1. Тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида “Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танловини ташкил этиш 2. Танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. Бунда, маҳалла аҳолисининг доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиши ва соғлом ҳаёт тарзига риоя этиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб боришини; танловда биринчи ўринни эгаллаган маҳалла	Ҳар чорақда 2020 йил декабрь	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари	Маҳалла ва ойлани кўллаб-қувватлаш мажмуаси (З.Хидирова), туман тиббиёт бирлашмаси (Б.Мамасоатов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		10 млн. сўм, иккинчи ўрин учун 5 млн. сўм ва ўринга 3 млн. сўм микдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилишини назарда тутиш. 3. Пул мукофоти маблағларини маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказиш ҳамда маҳалла худудини ободонлаштириш, спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадларига истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтириш.	Танлов натижа-ларига кўра  Танлов якунланган-дан сўнг		

### III. Аҳоли турли гуруҳла зининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш

11.	Таркибида туз, қанд, ёғ микдори кўп бўлган хамда хамирли таом ва ширинликларни, нон ва маҳсулотларини кам истеъмол қилган оилаларга преференциялар бериш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тақлифлар бериш.	Таркибида туз, қанд, ёғ микдори кўп бўлган хамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини кам истеъмол қилган оилаларга преференциялар бериш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тақлифлар бериш.	2021 йил 1 январь		Молия бўлими (Ш.Поянов), туман тиббиёт бирлашмаси (Б.Мамасоатов), манфаатдор корхона ва идоралар
12.	Тиббиёт ходим-ларининг диетология соҳасида билимларини ошириш ва кунлик овқатланиш меъёр-ларини ишлаб чиқиш.	1. Тиббиёт ходимлари томонидан болаларнинг соғлигини инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия билан шуғулланиши устидан назорат ўрнатиш ва болаларнинг саломатлиги асосида тиббий-соғломлаштириш гуруҳларига ажратилиши ва шунга қараб жисмоний чиниктириш микдори белгилашни таъминлаш. 2. Болаларнинг жисмоний ривожлани-шини баҳолаш учун рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг килиш тизимини ишлаб чиқиш.	2021 йил 1 март		Туман тиббиёт бирлашмаси (Б.Мамасоатов), Мактабгача таълим бўлими (Х.Улуғова), Халқ таълими бўлими (Н.Исмаатов)

### IV. Санитария-гигиена қондаларига риоя этилишини соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
13.	Таълим муассаса-ларини, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим муассаса-ларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш.	Тоza ичимлик суви билан таъминлаш дастурлари доирасида таълим муассасаларини, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаб бориш чораларини кўриш.	2021-2025 йиллар	Мазкур йўналишга ажратилган маблағлар доирасида	Уй-жой коммунал хизмат курсатиш бўлими, Сувоқава ДУК туман филиали, Халқ таълими бўлими (Н.Исмагов), туман Қурилиш бўлими (Ф.Мустанов)
14.	Таълим муассаса-ларида мавжуд ва уларга бириктирилган ходимлари томонидан олаларнинг соғлигини ва жисмоний камолотини доимий назорат қилиб бориш.	Мактабгача таълим ташкилотларининг тиббиёт ходимлари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари-дан умумтаълим мактабларига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан болалар ва ўқувчилар ҳамда муассаса ходимларининг соғлиғи ва жисмоний камолоти доимий равишда назоратга олиншини, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилишини таъминлаш.	Доимий		Туман тиббиёт бирлашмаси (Б.Мамасоатов), Мактабгача таълим бўлими (Х.Улуғова), Халқ таълими бўлими (Н.Исмагов)
<b>V. Мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун замонавий моддий-техника базасини шакллантириш</b>					
15.	Умумтаълим мактабларининг спорт заллари ва жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш.	1. 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумтаълим мактабларини тўлиқ, спорт заллари билан таъминлаш, ҳар бир туман (шаҳар)да тўлиқ, моддий-техника базасига эга бўлган болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ва бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш ва жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритиш. 2. Келгуси йилларда умумтаълим мактаблари спорт заллари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини	2021 йил 1 апрель	Инвестиция дастури доирасида	Халқ таълими бўлими (Н.Исмагов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов)

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
16.	Мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт таълим муассасаларини бирламчи спорт жихоз-лари ва анжомлари билан таъминлаш.	<p>куриш параметрларини сезиларли ошириб бориш.</p> <p>Давлат мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт таълим муассасаларини бирламчи спорт жихозлари ва анжомлари билан таъминлаш, бунда 2021 йилда хар бир: давлат мактабгача таълим ташкилотига 2 млн. сўмдан; умумтаълим муассасасига давлат умумтаълим муассасасига 5 млн. сўмдан ажратиш.</p>	2021 йил	Давлат бюджети маблағлари	Молия бўлими (Ш.Поянов), Мактабгача таълим бўлими (Х.Улуғова)
17.	Кўп қаватли турар жойлар, маҳаллалар, кишлоклар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, аҳоли юриши учун мўлжалланган йўлакларни ташкил этиш.	<p>Худудларда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жойларни куриш бўйича тасдиқланган амалдаги шаҳарсозлик нормаларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш:</p> <p>аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли худудларида велосипед турар жойлари ва замонавий спорт майдончаларини (шу жумладан, Workout) ташкил этиш; маҳаллалар, кишлоклар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”ни куриш; автомобиль қатнови юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этиш.</p>	2021 йил 1 январь		Туман Курилиш бўлими (Ф.Мустанов)
18.	Ёшларда, хусусан, боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни спортга қизиқтириш чораларини кўриш.	<p>Кўйидаги телекўрсатувларни намойиш этишни таъминлаш: ёшларда, хусусан, боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида “Болаликдан спортга”, “Тонгги гимнастика”; умумтаълим мактабларида “Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ,</p>	Доимий		Туман ҳокимлиги Мабуот котиби Н.Жумаева, туман “Боботоғ тонги” газетаси (И.Бобокалонов), Мактабгача таълим бўлими (Х.Улуғова),

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>бажар!”, “Қувнок, стартлар” синфлараро; Катта ёшдагилар учун “Аэробика”, “Бошланғич йога машғулотлари”, “Ортикча вазндан воз кеч!” каби спорт машғулотларини ҳамда оилалар ўртасида ўтказиладиган “Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи!” телевизион спорт мусобақалари;</p> <p>барча телеканаллар, шу жумладан, хусусий телеканаллар эфирида ҳар куни уч марта (соат 7:00, 12:00 ва 17:00 да) нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги</p> <p>5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотлари;</p> <p>аёллар ва кексалар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича “Соғлом турмуш” кўрсатувлари</p>			Халқ таълими бўлими (Н.Исматов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Курбонов)

#### VI. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар тайёрлаш

19.	Миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш	<p>Вилоят хууддларида экспедиция ташкил қилган ҳолда миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида “Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси”ни тайёрлаш ва чоп этиш тўғрисидаги Хукумат фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқишга таклифлар бериш.</p>	2021 йил 1 сентябрь	Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Курбонов), Молия бўлими (Ш.Полянов)
-----	---	--	---------------------	--	--





Туман ҳокимининг  
2020 йил 16 ноябрдаги  
Қ-1771 -сонли қарорига  
2-илова

### **Туман ҳокимининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Туман ҳокимининг 2018 йил 30 январдаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 29 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-86-сон Қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-378-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисидан, “ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Туман ҳокимининг 2018 йил 10 мартдаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 9 мартда “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-201-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-898-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг” сўзлари “Ички аудит ва молиявий назорат” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Туман ҳокимининг 2019 йил 14 декабрдаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2019 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-610-сон Қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-5952-сон қарори 1-иловасида:

1-позициянинг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2020 йил 1 май” сўзи “2020 йил ноябрь” сўзи билан алмаштирилсин;

2-позициянинг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2020 йилдан бошлаб” сўзи “2020 йил ноябрь” сўзи билан алмаштирилсин;

3-позициянинг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2020 йил 1 март” сўзи “2020 йил ноябрь” сўзи билан алмаштирилсин;

5-позициянинг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2020 йилдан бошлаб” сўзи “2020 йил ноябрь” сўзи билан алмаштирилсин.

4. Туман ҳокимининг 2020 йил 30 январдаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2020 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-31-сон Қарори ижроси тўғрисида”ги Қ-186-сон қарори 1-иловасида:

1, 2, 3, 6, 9-позицияларининг “Ижро муддати” устунидаги “Февраль, Март, Июль, Август, Сентябрь, Октябрь” сўзлари “2020 йил ноябрь” сўзи билан алмаштирилсин.

5. Туман ҳокимининг 2017 йил 20 июндаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2017 йил 10 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-272-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-780-сон қарорида:

а) 4-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи - олтинчи хатбошилар тегишлича иккинчи - тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

10-позицияда:

“Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари” сўзлари “Инвестиция дастурлари доирасида бюджет маблағлари” сўзлари билан алмаштирилсин;


“Ижро учун масъуллар” устунидан “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали” сўзлари чиқариб ташлансин;

14-позициянинг “Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали” сўзлари “Инвестиция дастурлари доирасида бюджет маблағлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-позициялардаги “Ижро учун масъуллар” устунидан “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали” сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Туман ҳокимининг 2018 йил 10 мартдаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Қ-638-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-899-сон қарорида:

а) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



в) 3-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошқарув ходимларининг  
ЧЕКЛАНГАН СОНИ**

Т/Р	Худудлар	Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони	жумладан:	
			Жисмоний тарбия ва спорт Бўлимида	Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида
1.	Сурхондарё вилояти	66	14	52
<b>Жами:</b>		<b>66</b>	<b>14</b>	<b>52</b>

г) 4-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан  
келиб чиққан ҳолда тоифаланган туман (шаҳар)лар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар	Туман ва шаҳарлар	
		1-тоифа	2-тоифа
1.	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри	Қумқўрғон тумани
		Денов тумани	Узун тумани
		Шўрчи тумани	Ангор тумани
		Шеробод тумани	Бойсун тумани
		Жарқўрғон тумани	Қизирик тумани
		Сариосиё тумани	Олтинсой тумани
		Музработ тумани	Термиз тумани
			Бандихон тумани

**1-тоифа** - 4 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ - 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор - 1, оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича бош инспектор - 1, бош бухгалтер - 1),

**2-тоифа** - 3 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ - 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор - 1, бош бухгалтер - 1);

жами 52 та штат бирлиги (бошлиқ, - 15 нафар, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор - 15 нафар, оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича бош инспектор - 7 нафар, бош бухгалтер - 15 нафар).

Бунда мазкур бандга асосан бошқарув ходимларининг чекланган сонига киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

7. Туман ҳокимининг 2018 йил 23 мартдаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 22 мартдаги “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-229-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-1023-сон қарорида:

а) 2-бандининг ўнинчи хатбошисидан “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси”, сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-бандининг ўн саккизинчи хатбошиси “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари” сўзларидан кейин, “футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елим” сўзлари билан тўлдирилсин.

8. Туман ҳокимининг 2018 йил 17 декабрдаги “Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 18 декабрдаги “Ёшларни ватанпарварлик руҳида за жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирувларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш таркибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қ-880-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-3400-сон қарорига 2-илованинг 2-позицияси “Молиялаштириш манбалари” устунидан “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари”, сўзлари чиқариб ташлансин.